



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 19 ноябрь, № 241 (9136)

Чоршанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОТБ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 ноябрь куни Осиё тараққиёт банки президенти Масато Канда бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Сухбат аввалида ОТБ раҳбари мамлакатимиз етакчисини стратегик шериклиқнинг 30 йиллиги ҳамда 2025-2026 йилларда банкнинг Бошқарувчилар кенгашига раислик ўзбекистонга ўтгани билан табриклади.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурини амалга ошириш доирасида кенг кўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳамкорликда юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзбекистон банкнинг минтақадаги энг йирик

ҳамкори бўлиб қолмоқда — кўшма лойиҳалар портфели 15 миллиард доллардан ошди. Шунингдек, “яшил” энергетика, транспорт, рақамли трансформация, таълим ва бошқа йўналишларда умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Суверен бўлмаган молиялаштириш механизмлари фаол жорий этилмоқда.

ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 2026 йил май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган йиллик йиғилишига тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти бўлажак тadbир доирасида ОТБ билан Кенгайтирилган стратегик шериклик дастурини имзолаш, унда инфратузилмани ривожлантириш, техник ва муҳандислик кадрларини тайёрлаш, хотин-қизлар ва ёшларни янги касбларга ўқитиш, камбағалликни қисқартириш, ипотека бозори ва хусусий секторни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ташаббусини илгари сурди.

Банкнинг йирик миллий ва минтақавий ташаббус-

ларни қўллаб-қувватлашда, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида транспорт, энергетика ва савдо лойиҳаларини илгари суришда фаол иштирок этиши муҳим экани таъкидланди.

ОТБ президенти Масато Канда мамлакатимиздаги кенг кўламли янгиланишлар натижаларини юксак баҳолади ҳамда Янги Ўзбекистонда ортага қайтмас тус олган ислохотлар дастурини амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашишга тайёрлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ РЕЖАЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёевга ташқи меҳнат миграцияси тизимини такомиллаштириш ва миграция жараёнларини халқроқ стандартлар асосида йўлга қўйиш масалалари юзасидан ахборот берилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларни меҳнат қилиш учун чет элга тартибли жўнатиш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишлар туфайли меҳнат бозори диверсификация қилинмоқда, фуқаролар, асосан, юқори маошли иш ўринларида ишлаш учун хорижга кетмоқда. Натижада 2016 йилдагига нисбатан чет элда ишлаётган фуқароларнинг сони камайган бўлса-да, улар томонидан юборилган маблаг 3,8 миллиард доллардан 2025 йилнинг ўн ойи якунида 15,8 миллиард долларга етди.

Тақдиротда хорижий меҳнат бозорида малакали мутахассисларга катта талаб борлиги қайд этилди. Ҳозирда 140 минг нафар мутахассисга буюртма мавжуд, аммо тил ва касбий малака бўйича талабларга жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш борасида қилинадиган ишлар ҳали кўплиги кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, меҳнат миграцияси хизматлари тарқоқ бўлгани учун одамлар оврагарчиликка дуч келмоқда.

Шу мақсадда соҳадаги хизматларни тартибга солиш, барча жараёнларни “ягона дарча” тамойили асосида бирлаштириш вазифаси қўйилди. Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида “Хорижга ишга тайёрлаш маркази”, Термиз шаҳрида “Ягона миграция хизматлари” маркази ташкил этилади. Пойтахтнинг Яшнобод туманида эса халқаро компаниялар билан ҳамкорликда немис ва япон тилларига ўқитиш мактаблари очилади.

Сўнгги йилларда Европа мамлакатларига миграция оқими 4 баробар кўпайгани таъкидланди. У ерда ишлаётган фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди. Айти пайтда қатор Европа давлатлари билан меҳнат миграцияси бўйича келишувлар мавжуд эмас. Президент томонидан тегишли ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш ишларини жадаллаштириш бўйича топшириқ берилди.

Шунингдек, хорижий давлатларда миграция бўйича атташе ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Меҳнат миграцияси агентлиги ваколатхоналарини кўпайтириш, мамлакатимиз ҳудудларида эса виза марказларини кўча офисларини очиб режалаштирилган.

Тақдиротда миграция хизматларини рақамлаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

“Хорижга иш” платформасида 25 турдаги хизмат тақдим этилмоқда, жорий йил бошидан буён 524 минг фуқаро онлайн хизматлардан фойдаланган. Лекин хизматларнинг барчаси ҳам рақамлашмаган.

Президентимиз тизимга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш

орқали хизмат кўрсатиш жараёнларини янада такомиллаштириш зарурлигини қайд этди. Платформада биометрик идентификация, хориждаги иш ўринларини реал вақт режимида кузатиш, фуқароларга масофавий маслаҳат беришни йўлга қўйиш бўйича режалар ҳақида ахборот берилди. Миграция агентлигида фуқароларга туну кун тезкор ёрдам берадиган ситуацион марказ ташкил этиш таклиф қилинди.

Тақдиротда ноқонуний миграция ва консалтинг хизматлари кўрсатишда фибрибгарлик ҳолатлари кўпайиб бораётгани кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан меҳнат мигрантларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида халқаро аэропортларда интерактив миграция инфокиоскларини ўрнатиш, лицензиясиз фаолиятни амалга оширган консалтинг ташкилотлари учун жарима миқдорини ошириш таклиф қилинди. Жиноят кодексига ноқонуний миграцияни ташкил этиш ва қўмаклашиш учун жавобгарлик қиритиш масаласини ўрганиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни маъқуллаб, меҳнат миграцияси жараёнларини янада қўлай, хавфсиз ва шаффоф қилиш бўйича мутасаддиларга қўшимча кўрсатмалар берди.

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИ ОЛДИДАН ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев кўмир қазиб чиқаришда эришилган натижалар ва келгуси вазифалар юзасидан тақдирот билан танишди.

Куз-қиш мавсумида аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа муассасалари ҳамда иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида энергетиканинг барча тармоқлари қатори кўмир саноатида ҳам янги лойиҳалар амалга оширилмақда, ишлаб чиқариш қувватлари ва ҳажмлари кўпайтирилмоқда. 2024-2025 йиллар куз-

қиш мавсумида қарийб 8,7 миллион тонна кўмир қазиб олиниб, иссиқлик электр станциялари, бюджет ташкилотлари ва аҳолига етказиб берилди. Тақдиротда 2025-2026 йиллар куз-қиш мавсумида 10 миллион тонна кўмир ишлаб чиқариш режалаштирилгани маълум қилинди. Бунинг учун “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти корхоналарининг

моддий-техника базаси кучайтирилди, соҳада қўшимча ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти учун шароитлар яратилди.

Президентимиз мавсум давомида аҳолини кўмир билан кафолатли таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берди. Корхоналарни модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, соҳада бозор тамойиллари

ҳамда рақобатни ривожлантириб, маҳсулот таннархини тушириш муҳимлиги қайд этилди.

Тақдиротда уран йўналишидаги янги инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, геология-қидирув ишларининг кўламини кенгайтириш, замонавий технологияларни жорий қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А.

Сенаторлар — ҳудудларда

ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Жорий йилнинг 18 ноябрь куни Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Ағзамходжаев Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида бўлди.

Сенатор ташриф доирасида туман Кенгаши депутатлари ва “Маҳалла еттилиги” фаолияти билан яқиндан танишди. Маҳаллаларда нурунийлар ҳамда ёшлар билан ўтказилган учрашувларда уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди ва маҳаллий аҳолининг фикр-мулоҳазаларини тинглади. Учрашууда иқтисодиёт, инвестиция ва туризм соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, янги саноат зона-

лари фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, туманда фаолият юритаётган йирик саноат корхоналари — парранда гўшти маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “GULISTAN CHICKEN STEWS” МЧЖ, сунъий толали калава ип маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “MILU TEKS SIRDARYO” МЧЖ фаолияти билан ҳам яқиндан танишилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР ЕЧИМИ ВА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётимизга дахлдор масалалар, жумладан, фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш имкониятларини кенгайтириш, халқроқ ҳужжатни ратификация қилишга қаратилган қонун лойиҳалари, шунингдек, Омбудсманнинг тегишли қонунга қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонунчилик таклифи ҳамда парламент назорати фаолиятига доир масалалар атрофича кўриб чиқилди.

Ер участкаларидан фойдаланишга оид нормалар такомиллаштирилмоқда

Мажлисида “Давлат божии тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, давлат ва жамият манфаатларини қўллаб-қувватлашда белгиланган инвестиция мажбуриятларининг баҳарлигини устидан назоратни кучайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Фаррух ЗОКИРОВ:

САНЪАТ ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРАДИ, МИЛЛАТНИ ЮКСАЛТИРАДИ!

Ўзбекистондан ташқари яна саккизта республика халқ артисти, бир қанча унвонлар соҳиби, салкам 55 йилдан буён фаолият юритиб келаётган “Ялла” ансамблининг бадий раҳбари, ўзбек эстрада санъатида мактаб яратган, ўз ижоди билан дунёга танилган, Зокировлар сулоласининг ёрқин вакили, қўшиқларида бетақдор оҳанглар билан она юртини улуглаган, эл суйган санъаткор, Ўзбекистон фахри Фаррух ЗОКИРОВ билан мусиқа, ижод ва замон ҳақида гурунглашдик.

Интервью

Сўхбатимиз қисқа саволлардан бошланди. Энг сеvimли ичимлиги — аччиқ қора чой. Энг сеvimли таоми — мошкичири. Энг сеvimли ранги — қизил. Энг сеvimли бадий асари — “Ўткан кунлар”. Энг сеvimли киноси — «Насриддин Бухорода». Энг сеvimли актриса — Шукур Бурҳонов. Энг сеvimли актрисаси — Лутфихоним Саримсоқова. Энг сеvimли спорт тури — бокс. Энг сеvimли маскани — Тошкент (шу саволга жавоб ўрнида «Тошканим онам» қўшиғидан хиргойи қилиб берди).

Хобби — сукунатни тинглаш... (Сўхбатдошимнинг фикрича, сукунат ҳам сўзлайди, фақат уни эшитиб билиш керак... Қойил лекин!)

— Фаррух Каримович, сўхбатга тайёрланиш жараёнида «Ялла» ансамбли, хусусан, сиз яратган қўшиқларни яна бир сидра тинглаб қикдим ва маза қикдим. Болалигим, ёшлигим ёдимга тушди.

Сиз, мана, салкам кутлуғ саксон ёшни қаршиляясиз. Умрининг шу палласида қимлар ва нималар сизга олисларда қолган беғубор даврларни ёдга солади?

— Эҳ, қай бирини айтмай. Биласизми, ёш ўтгани сайин одам боласи қайтадан болага айланиб қоларкан — ҳиссиётлари нозиклашиб, таъсирчанлиги ортаркан. Болаликни эслатадиган хотиралар эса қадрдон маҳаллада, ҳар бир ифторда жонланади.

Болалигимизда ҳар шанба ва якшанба кунлари театрға борардик. Бу оилавий анъана эди. Саҳна ва унинг ортидаги ижодий муҳитни, улуг инсонларни кўп кузатганман. Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова каби буюк санъаткорлар меҳр билан эрқалашарди...

Театрға борсам, тўй ёки тadbirlарда ёшликда кўча чангитиб улғайган қадрдонларимни кўрсам, ўз-ўзидан болалик билан боғлиқ ширин хо-

тиралар ёдга тушади. Эски шаҳардаги ҳовлимизни, боғимизни, оилавий йиғинларимизни кўп ва хўп кўрсайман. Одамхон отамнинг ўзбеккона меҳмондўстликлари, ош дамлашлари, кабоб пиширишлари, ҳазил-хузул хангомаларини кўп эслайман. Уша йиғинларға Ботир ақамнинг келиноийим ва ўғиллари билан меҳмон бўлиб келишларини соғинаман. У даврларнинг гаши, файзи бошқача эди. Шунанқани аjoyиб дамлар эдики, ҳалигача энтиқиб эслайман.

«Ялла»ға келсак, у мен учун ҳароратли хотиралар силсиласининг давомидир. Ёшлигим «Ялла» билан ўтди, бугуним ҳам шу гуруҳ билан кечаяти.



ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Сенатор янги иш ўринларини яратиш, маҳаллий кадрларнинг малакасини ошириш ва илгор тажрибаларни амалиётга жорий қилиш борасидаги фикрлари билан бўлишди. Шунингдек, хорижий мутахассисларни жалб этиш ҳамда ҳудудларро ҳамкорлиқни ривожлантириш, хорижий инвесторлар билан биргаликда чет элда ўзбек савдо уйларини ташкил қилиш бўйича ҳамкорлиқни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини қайд этди.

Шунингдек, туманда фаолият юритаётган тадбиркорлар, инвесторлар ва ишбилармонлар билан мулоқот ўтказилиб, унда маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда туманининг инвестиция салоҳияти, амалга оширилаётган лойиҳалар ва экспорт масалалари бўйича фикр алмашилди ҳамда тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

Қишлоқ ёшлари билан мулоқот

Олий Мажлис Сенати аъзоси Хусан Эрматов Бахмал туманидаги 4, 5, 69 ва 79-умумтаълим мактаблари ҳамда 1-политехникум ўқувчи ва ўқитувчилари, шунингдек, аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Политехникум мажлислар залида тўпланганларга Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, Президентимизнинг АҚШга таширифи якунлари, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент шаҳридаги учрашуви ҳақида батафсил маълумот берилди.

Мазкур учрашувлар ўқувчи ёшлар қалбида узоқ йиллар сақланиб қолишига шубҳа йўқ. Чунки сенатор ҳар бир ўқув даргоҳига 500 тадан адабий китоблар совға қилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган ранг-баранг маънавий сарчашмалари орасидан ўзбек ва хориж адибларининг сўнгги йилларда ёзган асарлари, ёш қаламкашларнинг илк тўпламлари, жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналари, Ватанимиз тарихига оид қўплаб қизикарли асарлар ўрин олган.

Шунингдек, учрашувлар якунида сенатор ёшларга мурожаат қилиб, кимки республика фан олимпиадаларида 1-ўринга сазовор бўлса, шу ўқувчининг ўзига ва унинг устозига алоҳида мукофот таъсис этганини ҳам эълон қилди.

Шу куннинг ўзида сенатор Ўснат шаҳарчасини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида бунёд этилган сув тозалаш ва тарқатиш иншоотида бўлди. Яқинда Олий Мажлис Сенатида Ўснат шаҳарчасида истикомат қилувчи 30 мингга яқин аҳолига сув тарқатиш тизимларини таъмирлаш учун мазкур иншоотга Давлат бюджетидан 30 млрд. сўм ажратиш масаласи кўтарилган ва бу масала мутасадди идоралар кун тартибига киритилган эди. Маълум бўлдики, ушбу сўров бўйича дастлабки маблаглар келиб тушган ва иш бошланган.

Сенатор Ўснат шаҳарчасидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга берилган 10 та уйда яратилган шароитларни ҳам ўрганди. Мутасаддилар билан биргаликда айрим камчиликлар жойида кўриб чиқилиб, туман ҳокимлиги билан уларни тез фурсатда бартараф этишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг олий даражадаги учрашуви, ҳақиқатан ҳам, тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу тарздаги мулоқотлар фақат расмий дипломатия эмас, балки халқларимизнинг қўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишончининг амалдаги тасдиғидир.

Айниқса, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича эришилаётган натижалар қувонарли. Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш қарийб икки баробар кўпайгани, бугунги кунда 1 миллиард доллардан ошиб, уни 2 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилгани — бу икки давлат иқтисодий салоҳияти бир-бирига қай даражада боғлиқ эканини кўрсатади. Бунда куни кеча ишга туширилган “Шовот — Тошқо-

вуз” чегараолди савдо зонаси алоҳида ўрин тутди. Томонлар ушбу тажрибани бошқа чегараолди ҳудудларда, аввало, “Олот — Фароб” ҳудудида қўллаш ниятида. Транспорт ва логистика соҳаларидаги келишувлар ҳам стратегик аҳамиятга эга. Туркманбоши халқроқ портидан биргаликда фойдаланиш, автомобиль ва темир йўл йўналишларини ривожлантириш бу нафақат

икки мамлакат, балки бутун Марказий Осиёнинг савдо транзит имкониятларини кенгайтирувчи муҳим қадамлардир. Энергетика соҳасидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Электр энергиясини етказиш ва транзит масалалари, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш йўлидаги интилиш — барқарор тараққиётнинг кафолати.

Бундан ташқари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сувдан оқилона фойдаланиш, жумладан, минтақавий миқёсдаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш каби келишувлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Тенг ҳуқуқ, масъулият ва имконият бирлиги

Жамиятда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг муҳим тамойиллардан бири инсоннинг ҳар томонлама тенглигидир. Кейинги йилларда тилимизга гендер тенглик тушунчаси кириб келди ва мустаҳкам ўрнашди.

Мулоҳаза

У — аёллар ва эркеклар, қизлар ва ўғил болалар учун тенг ҳуқуқ, масъулият, имконият бирлиги деган маънони ифодалайди. Шу боис мамлакатимизда гендер тенглик ва унга эришиш самарали иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омили ҳисобланиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг учун, аввало, гендер сиёсатини амалга оширишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилиб, хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлашга, хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини яхшилашга қаратилган 20 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жараён давом этмоқда ва бу давлатимиз раҳбарининг қишлоқларида ҳам тез-тез тилга олинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқида гендер сиёсати йўналишига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва тадбиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг ролини бундан буюн ҳам мустаҳкамлаш мақсад қилингани, Ўзбекистон минтақа миқёсида Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформага айлантириб, мунтазам ўтказиб бориш тарафдори экани қайд этилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб қилиш йўналишидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида кунди бугун — маҳалла ва халқ ҳар бир хонадонгача кириб борадиган вертикал тизим яратилганига анча бўлди ва унинг

ижроси бугунги кунда ўз самарасини кўрсатмоқда. Жаҳон мамлакатлари сингари юртимизда ҳам аёлларнинг аҳолини яхшилаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини кучайтириш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти. Жумладан, 2025 йил

лар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва бюджетлаштириш, гендер статистикаси юритилишини такомиллаштириш ҳам алоҳида кўрсатилиб, ҳар бир банд бўйича ижро механизми белгилаб берилган.

Бугун шу асосда ташкилий-амалий ишлар олиб боришмоқда. Мисол учун, юртимизда гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш тизими жорий этилган. Бу гендер таҳлилини режалаштириш ва бюджетлаштириш жараёнларига интег-

“*Ўтган йилнинг март ойида Ўзбекистон Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” рейтингига 100 баллдан 82,5 балл тўплаб, гендер тенглигини таъминлаш борасида энг катта ютуқларга эришган давлатлар қаторига кирди. Шунингдек, аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасида энг юқори натижаларга эришган 5 та мамлакатдан бири сифатида қайд этилди.*”

18 март куни Олий Мажлис Сенатининг 5-ялли мажлисида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2025 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Мазкур дастурга сайлов ҳуқуқлари ижросида, давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, қонунчилик асослари ва институционал тизимни такомиллаштириш каби вазифалар киритилган.

Шунингдек, таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида, таъйиқ ва зўравонлиқнинг олдини олишда, оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси жабҳасида хотин-қизлар ва эркек-

рация қилиш орқали бюджет маблағларини тақсимлайдиган молиялаштириш тизими бўйича ҳуқуқий асосларнинг яратилишини ифода қилади. Унинг афзаллиги эса шаффофлик, инклюзив ва натижага йўналтирилганлиги билан фарқланади.

Мазкур йўналишда мамлакат ичидан олиб боришган изчил сиёсат халқроқ майдондаги кўрсаткичлар яхшиланишига ҳам сабаб бўлди.

Ўтган йилнинг март ойида Ўзбекистон Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” рейтингига 100 баллдан 82,5 балл тўплаб, гендер тенгликни таъминлаш борасида энг катта ютуқларга эришган давлатлар қаторига кирди. Шунингдек, аёллар ҳуқуқлари ва ген-

Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедовга мамлакатимиз олий мукофоти — “Олий Даражали Дўстлик” орденининг топширилгани эса фақат расмий эътироф эмас, балки икки халқ ўртасидаги чуқур ҳурмат, самимият ва мустаҳкам биродарликнинг рамзидир.

Президентларимиз имзолаган кенг қўламли келишувлар — икки давлат халқлари манфаатига хизмат қиладиган, келажакка қаратилган ҳақиқий стратегик “Йўл харитаси”.

Бу тарздаги мустаҳкам алоқалар Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги ҳамкорлиқни бундан буюн ҳам изчил ривожлантириб, минтақамизда тинчлик ҳамда барқарор тараққиётни мустаҳкамлайди.

Сайёра АБДИКАРИМОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР ЕЧИМИ ВА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР АСОСИ



ҳуқуқни қўллашда тушунмовчиликларнинг олдини олиш ва ер муҳофазасини таъминлашда барча мажбуриятлар бажарилишини лойиҳада акс эттиришга алоҳида эътибор қаратишди. Ушбу қонун лойиҳаси ердан оқилона ва самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Суд ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш имкониятлари кенгайди

Мажлисида фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси суд ишларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш ва иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини оширишга қаратилган.

У билан Фуқаролик процессуал ҳамда Иқтисодий процессуал кодексларга фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқишга асос бўлувчи давмо микдорини ошириш бўйича ўзгартаришлар киритилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра, давмо баҳоси нисбатан кичик бўлган ишлар, жумладан, жисмоний шахсларга нисбатан БҲМнинг беш баравари, яъна тартибдаги тадбиркорларга нисбатан БҲМнинг ўн баравари, юридик шахсларга нисбатан БҲМнинг йигирма баравари миқдоридидаги низолар соддалаштирилган иш юритиш тартибиди кўриб чиқилади.

«Марказий Осиё — Хитой» формати котибияти тўғрисидаги низоом ратификация қилинмоқда

“Марказий Осиё — Хитой” формати котибияти тўғрисидаги низоомни ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, “Марказий Осиё — Хитой” формати платформа шаклидаги давлатлараро тузилма ҳисобланиб, унинг котибиятига Хитой, Қозо-

ғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон томонидан тегишли таъсис ҳужжатларини имзолаш орқали асос солинмоқда.

Мазкур дипломатик мулоқот шакли давлатлар ўртасидаги ҳамкорлиқни янги босқичга кўтариш, ўзаро ҳурмат, ишончга асосланган қўп асрлик дўстлик ва шериклик ришталари ҳамда яқин алоқаларни ўрнатиш, амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадида ташкил этилмоқда.

“Марказий Осиё — Хитой” формати котибияти 2023 йил 19 майдаги ушбу форматнинг иштирокчи давлатлари қабул қилган Сиань декларациясига мувофиқ тузилмоқда.

Котибият форматининг ижро органи ҳисобланади. Котибият форматдаги иштирокчи давлатларнинг саммитлари ва ташқи ишлар вазирлари учрашувларини ташкилий, техник ва ахборот жиҳатдан таъминлашнинг амалга оширади.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Марказий Осиё — Хитой” формати котибияти тўғрисидаги низоомни ратификация қилиш назарда тутилмоқда. Мазкур низоом эса муқаддима ва 4 та бўлимдан иборат. Ҳужжат билан котибиятнинг вазифалари, ваколатлари, тузилиши ва таркиби, ҳуқуқи, мажбуриятлари ҳамда мақоми ҳуқуқий мустаҳкамланган.

Мажлисида қонун лойиҳасининг қабул қилиниши “Марказий Осиё — Хитой” формати котибиятида Ўзбекистоннинг иштирокини таъминлаш, мазкур платформадан минтақавий ташаббусларни муносиб илгари суриш, миллий манфаатларни муносиб ҳимоя қилиш имконини бериши таъкидланди.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Омбудсман томонидан киритилган қонунчилик таклифи кўриб чиқилди

Депутатлар Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги



қонунчилик таклифини кўриб чиқди. У билан тергов ҳисбоналарида ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган нормаларни такомиллаштириш таклифи этилмоқда.

Хусусан, байрам кунларида тоза ҳавода қўшимча сайр қилиш ҳамда яқин қариндошлари ва бошқа шахслардан қийишга рухсат этилган қийим-бош ва пойабзал олиш ҳуқуқларини бериш, ҳар ойда озиқ-овқат ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш учун рухсат берилган пул миқдорини оширишга оид нормаларни киритиш таклифи этиляпти.

Лойиҳанинг қабул қилиниши қамоққа

олинган шахсларни ахлоқан тузатиш ишлари самарадорлигини оширишга, миллий қонунчиликни халқроқ тажрибага мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Мажлисида қонунчилик таклифи депутатлар томонидан маъқулланди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Сув хўжалиги вазирининг ахбороти эшитилади

Депутатлар Сув хўжалиги вазирининг “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастурининг ижроси, суви тежайдиган технологиялар жорий этилиши ҳамда қонунчилик ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексига мувофиқлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотини эшитиш ҳақида”ги масалани кўриб чиқди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантириш, ушбу нёзмат сарфини камайтириш мақсадида сув объектларини реконструкция қилиш, насос станцияларини энергия тежамкорларига алмаштириш, уларнинг электр сарфини камайтириш, сув таъминоти даражасини ошириш, сув тежайдиган технологиялардан кенг фойдаланиш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ҳаракатлар дастурида ҳам Сув хўжалиги вазирининг соҳада олиб борилаётган ислохотларга қаратилган ахборотини Қонунчилик палатаси мажлисида эшитиш белгиланган.

Мажлисида шундан келиб чиқиб, Сув хўжалиги вазирининг ахборотини эшитиш бўйича қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Акс садо

КЕЛАЖАГИМИЗ – ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви минтақанинг тарихий аҳамиятга эга навбатдаги дипломатик муваффақияти сифатида эътироф этилиши мумкин. Сабаби Президентимиз томонидан билдирилган ташаббуслар, илгари сурилган ғоялар ва қабул қилинган қатор муҳим ҳужжатлар минтақамизнинг сиёсий, иқтисодий ва гуманитар интеграцияси янги босқичга кирганини яна бир бор намоён этди.

Саммитнинг энг муҳим янгилиги бу Озарбайжон Республикасининг Маслаҳат учрашуви форматига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинишидир. Бу нафақат Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик доирасини кенгайтиради, балки Жанубий Кавказ билан янги геосиёсий ва иқтисодий боғланишлар учун мустаҳкам замин яратади.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши, Трансафғон йўлагининг ривожланиши, Транскаспий коридорларининг кенгайиши — буларнинг ҳар бири минтақанинг географик устуңлигини иқтисодий афзаллика айлантиради. Бундай лойиҳалар нафақат мамлакатлар ўртасидаги транспорт боғлиқлигини кучайтиради, балки Каспийдан Европагача бўлган улкан логистик маконнинг бирлашувини таъминлайди.

Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан бу қарор “Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида мустаҳкам кўприк барпо этиш” дея баҳоланди. Дарҳақиқат, ушбу қадам икки минтақа ўртасидаги транспорт йўлаклари, энергетик ҳамкорлик, савдо ва инвестиция алоқаларининг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади.

Ушбу ўзгариш нафақат давлатлар ўртасидаги стратегик шериклики, балки минтақавий сиёсий вазнини ҳам сезиларли оширади. Бугунги кунда Марказий Осиёда бирдамлик руҳининг мустаҳкамланиши халқроқ доирада ягона позицияни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2035 йилгача мўлжалланган минтақавий иқтисодий дастурини ишлаб чиқиш тақлифи эса ўзаро савдо ҳамчилиги камида 2 баравар ошириш, маъмурий тўсиқларни қисқартириш, эркин иқтисодий зоналардан биргаликда фойдаланиш, электрон тижоратни ривожлантириш каби йўналишларни қамраб олади. Ҳақиқатан ҳам, бугунги рақамли иқтисодиёт асрида Марказий Осиё мамлакатларининг

электрон савдо платформаларини бирлаштириш ташаббуси улкан салоҳиятга эга.

Қабул қилинган Минтақавий хавфсизлик концепцияси ва Таҳдидлар каталоги яқин йилларда ягона хавфсизлик сиёсатини шакллантиришда асосий дастурийла-амал бўлади. Шу билан бирга, Афғонистон масаласи ҳам ўринли тарзда диққат марказида бўлди. Давлатимиз раҳбарининг Афғонистонни инфратузилма ва энергетика лойиҳаларига интеграция қилиш бўйича тақлифи минтақавий барқарорликка эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, 2026 — 2036 йилларни “Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилиш тақлифи келажак учун ўта муҳим ташаббус. Айниқса, Сув ҳўжалиги бўйича минтақавий компетенциялар марказини Тошкентда ташкил этиш тақлифи соҳадаги кадрлар етишмаслиги муаммосига ечим топишга хизмат қилади.

Хозирги глобал мураккаб геосиёсий шароитда минтақа давлатларининг ўзаро бирдамлиги ҳар қачонгидан муҳим. Шу боис минтақа етакчиларининг Маслаҳат учрашуви ҳамда унда илгари сурилган ташаббуслар, имзоланган ҳужжатлар Марказий Осиёни келгуси 10 — 20 йилда қандай кўринишда ривожлантиришининг аниқ концептуал ёндашуви бўлди, дейиш мумкин.

Энг муҳими, ушбу ташаббуслар мамлакатимиз учун ҳам, бутун минтақа учун ҳам улкан стратегик аҳамиятга эга. Бугунги кунда бизнинг кучимиз — бириликда, тараққиёт сари йўлимиз — ҳамкорликда, келажагимиз эса стратегик ҳамжиҳатликдадир. Марказий Осиё давлатлари еттинчи Маслаҳат учрашуви ана шу йўлнинг янги, мустаҳкам босқичини бошлаб берди.

Гулнораҳон АБДУВОҲИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЎЗАРО ИШОНЧ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ва унда эришилган келишувлар минтақа халқлари орзу-интилишларининг намоёни бўлди, дейиш мумкин.

Тошкент саммитида давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича қатор долзарб ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, бугунги кунда Марказий Осиё — бу барқарор ўшиш ва фаровонлик учун олдимизда янги имкониятлар очаётган жадал тараққиёт ва самарали ҳамкорлик макони эканлиги асосли равишда қайта эътиборга олинди. 2024 йили мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 10,7 миллиард АҚШ долларига етгани ҳамда минтақамизга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 17 фоизга кўпайгани ургуланди.

Шунингдек, келгусида Янги Марказий Осиё ҳамкорлик формати-ни янада ривожлантириш бўйича муҳим тақлифлар билдирилди. Учрашувларни минтақавий мулоқотнинг маслаҳат шаклидан “Марказий Осиё ҳамжамияти” стратегик форматига айлантириш тақозо этилаётгани таъкидланиб, ушбу форматнинг институционал ва ташкилий асосларини изчил мустаҳкамлашни назарда тутадиган Маслаҳат учрашувлари тўғрисидаги низомини ишлаб чиқиш, ротация асосида фаолият юри-тадиغان Котибиятни таъсис қилиш, миллий мувофиқлашти-рувчилар макомини Президентларнинг махсус вакиллари даражасига кўтариш тақлиф этилди.

Бу ташаббусларнинг аҳамия-ти беқиёс. Масалан, Маслаҳат учрашувлари тўғрисидаги низомини ишлаб чиқиш қўшма форматдаги ишлаш механизми-ларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва аниқ тартибга солишга қаратилгани билан диққатга сазовор. Ушбу низоми қабул қилиниши орқали Маслаҳат учрашувларининг ма-сасди, вазифалари ва ваколатла-ри аниқ белгиланади. Уларни ташкил этиш, ўтказиш, қарорлар

ИСТИҚЛОЛИМИЗ ВА ЁРУҒ ИҚБОЛИМИЗ ТИМСОЛИ



Ақмол МУҲАММАДОВ олган сурат.

Майдонда ўтказилган тадбирда давлатимиз байроғи истиқлолимиз, суверенитетимиз, халқимизнинг эзгу орзу-интилишлари, ёруғ келажаги, шиддатли тараққиётимиз тимсоли экани таъкидланди.

— Давлат рамзларининг тарихий, маънавий ва тарбиявий аҳамияти улкан, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов. — “Бир байроқ остида” республика эстафетаси давомида бунга яна бир бор амин бўлдик. Мазкур кенг қўламли лойиҳа халқимизни ягона мақсад йўлида бирлаштириш, эзгу орзу-интилишларга илҳомлантириш, қалбларда ватанпарварлик ва садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилганига ишонамиз.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги гала-концерт ҳамда дронлар шоуси байрам шукунини янада оширди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кунга бағишланган тадбирлар, мулоқот ва учрашувлар, спорт мусобақалари, ижодий марафонлар мамлакатимизнинг барча ҳудудида, мактаблар, меҳнат жамоалари, кутубхоналарда бўлиб ўтди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Олий таълим соҳасида дунё мамлакатлари ўз кучларини бирлаштириб, ҳамкорликни кенгайтиришга интилмоқда. Бу фақат расмий ҳужжатлар масаласи эмас, балки талабалар, ўқитувчилар ва иш берувчилар учун манфаатли бўлган глобал ҳаракатдир.

Нуктаи назар

Жорий йил Ўзбекистон олий таълими тарихида чўқур из қолдирётган давр бўлди. Бу муҳим тизим дунёга янада яқинлашиб, ҳамкорлиكنинг янги уфқлари очилди. Илк бор Париждан ташқарида — юртимизда ўтказилган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ҳам таълим, илм-фан, маданият, ижод ҳамда имкониятларга бой янги даврнинг бошланиши бўлди.

ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги Глобал конвенция айнан шу йўналишга хизмат қилади. Унинг асосий ғояси мамлакатлар ўртасидаги тажриба алмашувини янада кучайтириш, таълим сифатини ошириш ва талабалар учун янги имкониятлар, янги уфқларнинг очилишидир. Ушбу конвенция дунё мамлакатларини бирлаштирувчи таълим майдонини шакллантириб, ёшларнинг билим ҳамда малакаси халқроқ миқёсда эътироф этилишини оsonлаштиради. Энг муҳими, ҳар бир талабанинг орзу ва интилишларига кенг йўл очади.

Глобал конвенция ратификация қилинди

Шу йил 11 ноябрь куни мамлакатимиз томонидан мазкур Глобал конвенция ратификация қилинди. Бу нафақат халқроқ ҳуқуқий мажбурият, балки Ўзбекистон таълим тизими глобал майдонга дадил қадам қўйганининг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Конвенция устувор йўналишларда халқроқ ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Хусусан, олий таълим борасида давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириб, қўшма дастурлар, илмий ҳамкорлик ва профессор-ўқитувчилар алмашувини кенгайтиради. Минтақаларо ташаббусларни қўллаб-қувватлаш орқали инновациялар ғоялар ва янги таълим сиёсатининг шаклланишга йўл очилади. Қолаверса, талабалар ва мутахассисларнинг эркин ҳаракатланиши, яъни глобал академик мобиллигини кучайтириш, диплом ҳамда малакаларнинг тан олиниши таъминланади. Натига-да хорижда ўқишга кетаётган талабалар, иш излаётган ёшлар, иш берувчилар ва таълим муассасаларининг ўзаро интеграцияси амалга ошади.

Конвенция, шунингдек, олий таълим тизимларининг хилмахиллигини ҳурмат қилиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, диплом ҳамда малакаларни тан олиш бўйича адолатли, шаффоф ва ишончли тартибни яратишни кўзда тутади. Таълим муассасаларида сифатни назорат қилиш маданиятини кучайтириш, мам-

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ 2030 ЙИЛГА ҚАДАР РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ – МУҲОКАМАДА

Пойтахтимизда “Тараққиёт стратегияси” маркази ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида “Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси” лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди.

Тадбир

Тадбирда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ вакиллари қатнашди. Шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 180 нафарга яқин ННТ вакиллари онлайн форматда мулоқотга қўшилди.

Муҳокамада Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар янги босқичга кўтарилаётгани таъкидланди. Жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган концепция мамлакатимизда давлат ва жамият ўртасидаги ҳамкорлиқни сифат жиҳатдан юқори даражага олиб чиқиши қайд этилди.

— Концепция “Очиқ давлат — фаол фуқаро” тамойили асосида амалга оширилади, — дейди “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор Туляков. — Бу жараёнда ННТлар жамият манфаатларини ифодалаш, ижтимоий ташаббусларни илгари суриш ва аҳоли фикрининг давлат қарорларида акс этишини таъ-

минлашда муҳим ўрин тутади.

Тадбирда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ривожлантиришда, ННТларнинг давлат бошқарувида фаол иштирокини таъминлаш, молиявий барқарорлиқни мустаҳкамлаш, давлат грантлари тизимини такомиллаштириш каби масалалар бўйича фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдирилди.

“Ватандошлар” жамоат фонди бўлим бошлиғи Ақмол Шофайзиев ўз сўзида хориждаги ватандош олимлар ва соҳавий мутахассисларни, экспертларни жараёнда кенг жалб этиш зарурлигига ургу берди.

— Муҳим ислохотларни амалга оширишда хориждаги ватандошларимиз, айниқса, малакали экс-пертларни жалб этиш катта натижа беради. Улар соҳалар бўйича халқроқ тажрибани олиб киришда муҳим кучга эга, — дейди у.

Тадбирда “Шарқ аёли” халқроқ аёллар жамоат фонди раиси Саодат Турсунбоева томонидан 12 йўналишдан иборат тақлифлар тақдим этилди. У, айниқса, олис ҳудудларда фаолият юритаётган аёллар ННТларини қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади.

— Аёллар фаолиятини кучайти-

риш учун грант ва субсидия дастурларини жорий этиш, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, авлодлар мулоқотини мустаҳкамлаш муҳим, — дейди Саодат Турсунбоева. — Шу билан бирга, лойиҳаларни бошқаришда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш долзарб масала.

Шунингдек, муҳокамада давлат органлари ва фуқаролик институтлари ўртасида самарали мулоқот платформасини яратиш, ННТларнинг роли, вазифалари ва масъулиятини аниқ белгилаш, амалга ошириш жараёнида шаффофлик ва ҳисобдорлик таомилларини жорий этиш, концепциянинг ижтимоий-иқтисодий таъсирини баҳолашга қаратилган амалий механизмлар ишлаб чиқиш каби муҳим тақлифлар ўртага ташланди.

Иигилишда билдирилган тақлифлар тизимли тарзда ўрганилиб, улардан концепция лойиҳасини янада такомиллаштириш жараёнида фойдаланилиши таъкидланди.

Бу каби тадбирлар мамлакатимизда демократияни янада мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини қуришда жамоатчилик иштирокини кучайтириш, давлат — жамият ҳамкорлигини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

Талабалардан кўп ҳолларда университетдан қўшимча ҳужжатлар сўралган.

Масофавий таълим бўйича чекловлар ҳам мавжуд бўлган. Пандемия даврида масофавий таълим кенг тарқалгани боис баъзи давлатларнинг онлайн дастурлари тан олинмаган ёки рад этилган. 2020 — 2024 йилларда хорижда ўқийтган Ўзбекистонликлар сони кескин ошгани сабабли ушбу масалада аризалар кўпайган.

Ратификациягача бўлган даврда тизимга оид Низом ва қонунларда бирмунча чекловчи тамойиллар мавжуд эди. Хусусан, давлат ўз таълим стандартига мос бўлмаган дипломни тан олмаслик ҳуқуқига эга бўлган, таълим дастурида фарқлар қузатилса, фанларни қайта ўқиш талаб қилинган, масофавий таълим фақат айрим йўналишларда тан олинган, қўшимча тест, суҳбат ёки синов ўтказиш қонуний асосга эга бўлган. Рад этиш ҳолатлари кўп ва очиклик етарли эмас эди.

Энди-чи? Эндиликда диплом глобал стандартлар асосида тан олинади, ҳар бир диплом адолатли, шаффоф, аниқ мезонлар асосида баҳоланади. Қисман тан олиш эса мажбурий тамойил.

Конвенция Ўзбекистон учун нима беради?

Аввало, хорижда олинган дипломларни тан олиш оsonлашди. Талабалар, магистрантлар, докторантлар ва тадқиқотчилар учун қайта баҳолаш жараёнлари тезлашади. Шу билан бирга, халқроқ ҳамкорлик лойиҳалари, қўшма дастурлар ва академик алмашинувлар қўламини кенгайтиради.

Конвенция ўз асосий тамойилга таянади. Адолатли ва шаффоф баҳолаш мезонлари — ҳар бир диплом ёки малака аниқ белгиланган мезонлар бўйича кўриб чиқилади. Тўлиқ тан олинмаси — қисман тан олиш, яъни тўлиқ дипломни тан олиш имкони бўлмаса, ўқилган фанлар ёки кредитлар қисман тан олиниши мажбурий. Очиқ маълумот — ҳар бир давлат ўз олий таълими ҳақидаги маълумотни очик тақдим этиши шарт. Бу тамойиллар, ўз навбатида, асоссиз рад жавобларининг олдини олади.

Талабалар учун қатор амалий қўлайликлар вужудга келади. Жумладан, дипломни нострификация қилиш мuddати қисқаради. Авваллари 3 — 6 ойга чўзилган жараён сезиларли равишда тезлашади. Оралиқ фанлар тан оли-

